

**Мавзу:**

**Ёнғин хавфсизлигининг  
ҳуқуқий-меъёрий  
асосини ташкил қилувчи  
ҳужжатлар тизими  
(5 – қисм.)**

# Режа:

1. “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, унинг мақсади ва вазифаси.
2. Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
3. Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари тўғрисидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
4. Ўт ўчириш-техник комиссиялари тўғрисидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
5. Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари тўғрисидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
6. Ёнғин хавфсизлиги бўйича бошқа меъёрий – техник ҳужжатлар.

# Ёнғин хавфсизлиги бўйича бошқа меъёрий – техник ҳужжатлар:

- "Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби ҳақида"ги низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 5-сон, 41-модда. Тошкент, 2010 й.
- .
- ."Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги низом. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2010 йил 12 июндаги 66-сон буйруғи билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 28-29-сон, 236-модда. Тошкент, 2010 й.

**"Ёнғиндан сақлаш хизмати  
бўлинмалари томонидан  
ёнғинларнинг ўчирилишини  
ташкил этиш тартиби  
тўғрисида" ги низом.**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирининг 2010 йил 12 июндаги  
66-сон буйруғи билан  
тасдиқланган.**

# Низом 3 та боб, 10 параграф ва 102 та банддан иборат

**I боб. Умумий қоидалар.**

**II боб. Ёнғин ўчирилишини ташкил этиш**

1-§. Ёнғинни ўчиришда фойдаланиладиган кучлар ва воситалар

2-§. Ёнғинни ўчиришга йўлга чиқиш

3-§. Ёнғин ҳолатини аниқлаш

4-§. Ёнғинда одамларни қутқариш

5-§. Куч ва воситаларнинг ёйилиши

6-§. Ёнғинни ўчириш

7-§. Ёнғинда махсус ишларни бажариш

8-§. Ёнғинда куч ва воситаларни бошқариш

9-§. Тезкорлик штаби

10-§. Ёнғинда алоқани ташкил қилиш

**III боб. Яқуний қоидалар.**

# Асосий тушунчалар

- **ёнғин** — одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш;
- **ёнғин ўчириш энглари** — бу эгилувчан қувур ўтказгичи бўлиб, бир-бири билан уланиб, ёнғин жойига ўчириш воситаларини етказиб бериш учун хизмат қиладиган мослама (махсус шланг);
- **ёнғин ўчириш техникаси** — ёнғинни ўчириш, тарқалишини тўхтатиш, бартараф қилиш, одамлар ва уларнинг мол-мулкларини ёнғиндан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган техник воситалар;
- **ёнғин ўчириш участкаси** — ёнғин ўчиришни бажариш учун куч ва воситалар йиғилган жой;
- **ёнғин ўчириш экипажи** — одамлар ва уларнинг мол-мулкларини ёнғиндан қутқаришда ҳамда ёнғинни ўчиришда алоҳида топшириқларни мустақил равишда бажариш вазифаси юклатилган бирламчи тактик бўлинма;
- **ёнғин ҳолатини аниқлаш** — ёнғиндаги вазият ҳақида маълумот тўплаш ҳамда ҳал қилувчи йўналишни аниқлаб, ҳаракатни тўғри ташкил қилиш;
- **ёнғинни бартараф қилиш** — ёнғинни батамом ўчириб унинг қайта ёниш имкониятини тугатиш;
- **тезкорлик штаби** — ёнғинда куч ва воситаларни бошқариш учун вақтинча тузилган тузилма.

## II боб. Ёнғин ўчирилишини ташкил этиш

### 1-§. Ёнғинни ўчиришда фойдаланиладиган кучлар ва воситалар

#### 4. Ёнғинларни ўчиришда қуйидаги кучлар ва воситалардан фойдаланилади:

- ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ва унинг қуйи тизимлари, ёнғин хавфсизлиги ўқув марказлари, Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларининг шахсий таркиблари;
- идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари;
- ҳарбий бўлинмаларнинг шахсий таркиблари;
- тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фармойишларига асосан ташкилотларнинг техник воситалари;
- ёнғин ўчириш техникаси;
- сув сепиш ва ёнғинни ўчиришга мослаштирилган техникалар;
- алоқа, ёритиш ва транспорт воситалари.

#### 5. Ёнғин ўчириш автомобиллари асосий, махсус ва ёрдамчи автомобилларга бўлинади.

#### 6. Асосий ёнғин ўчириш автомобилларига ёнғин жойига ёнғин ўчирувчи моддаларни (сув, кўпик, кукун, газ ва бошқалар) узатувчи автомобиллар киради.

7. Асосий ёнғин ўчириш автомобиллари умумий қўлланиладиган (аҳоли пунктларида содир бўлган ёнғинларни бартараф этиш учун) ва мақсадли қўлланиладиган (нефть омборлари, кимё саноати, аэропорт ва бошқа жойларда содир бўлган ёнғинларни бартараф этиш учун) автомобиль турларига бўлинади.
8. Махсус ёнғин ўчириш автомобилларига ёнғинда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, яъни шахсий таркибни юқорига кўтариш, алоқа ва ёритишни таъминлаш, қурилмаларни очиш, ажратиш, тутунга қарши кураш, мол-мулкларни ҳимоя қилиш, кучлар ва воситаларни бошқариш ҳамда ёнғинни ўчириш вақтида фойдаланиладиган бошқа техникалар киради.
9. Ёрдамчи ёнғин ўчириш автомобилларига ёнилғи қуйиш, техник хизмат кўрсатиш, сув ташиш учун мўлжалланган автомобиллар, юк ташиш автомобиллари, автобуслар, тракторлар ҳамда ёнғин ўчириш қисмлари ҳисобига киритилган ёрдамчи иш бажарувчи бошқа автомобиллар киради.
10. Ёнғинни ўчириш вақтида алоқа радиотармоқ, телефон, овоз кучайтиргич мосламаси, сўзлашиш қурилмаси, карнай ва бошқалар орқали таъминланади.
11. Ёнғинни ўчиришда ёритиш ишлари ёнғин ўчириш автомобилларида олиб борилган мослама ва қурилмалар ёрдамида таъминланади.



## 2-§. Ёнғинни ўчиришга йўлга чиқиш

12. Ёнғин содир бўлганлиги тўғрисида хабар олингач, давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари дарҳол ёнғин жойига жўнаб кетиши шарт.
13. Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари чақирилган жойга қисқа вақтда келишлари керак.
14. Ёнғин жойига борилаётганда ёнғин ўчириш экипажи командири Марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) ёки қисм диспетчерлик хизмати (ҚДХ) билан мунтазам алоқада бўлиши шарт.
15. Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ёнғин жойига бораётганда ёнғин бартараф этилганлиги ёки бартараф этилмаганлиги ҳақида маълумот олсаларда ёнғин жойига етиб келган ёнғинни ўчириш раҳбарининг қайтиш ҳақидаги кўрсатмаси бўлмаса, ёнғин жойига боришлари шарт.
16. Ёнғин содир бўлган жойга боришда бошқа ёнғин учраса, ёнғин ўчириш экипажининг бир қисмини шу ёнғинни ўчиришга ажратиб, дарҳол МДХ ёки ҚДХга хабар қилиниши лозим.

17. Агар йўл давомида бош (биринчи) ёнғин ўчириш автомобиллари айрим сабабларга кўра тўхтаб қолса, кейинги ёнғин ўчириш автомобиллари ҳам тўхтаб, ушбу автомобилларга раҳбарлик қиладиган бошлиқнинг кўрсатмасига асосан ҳаракат қиладилар.
18. Агар иккинчи ёки кейинги ёнғин ўчириш автомобиллари айрим сабабларга кўра тўхтаса, бошқа автомобиллар ёнғин содир бўлган жойга боришни давом эттирадилар.
19. Агар ёнғин ўчириш автомобиллари айрим сабабларга кўра тўхтаб қолса, ёнғин ўчириш экипажи командири ёнғин содир бўлган жойга шахсий таркиб ва ёнғин ўчириш воситаларини белгиланган тартибда фуқароларнинг транспорт воситаларида ёки пиёда олиб боради.
20. Ёнғин ўчириш автомобиллари билан йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган ҳолларда ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилади.
21. Ёнғин ўчириш автомобиллари айрим сабабларга кўра тўхтаб қолган ҳар қандай ҳолатда ҳам МДХ ёки ҚДХга хабар берилиши шарт.

### 3-§. Ёнфин ҳолатини аниқлаш

22. Ёнфин ҳолатини аниқлаш ёнфин ўчириш экипажларининг ёнфинни ўчиришга чиққан вақтидан бошлаб то уни бартараф қилгунча ўтказилади.

23. Ёнфинда қуйидагилар аниқланиши лозим:

- одамлар учун хавфнинг бор ёки йўқлиги, уларнинг турган жойлари, қутқаришнинг усуллари;
- ёнфин содир бўлган жой, ёнфиннинг ўлчамлари, оловнинг тарқалиш йўллари;
- ёнфин жойига куч ва воситаларни киритиш йўллари ва имкониятлари;
- портлаш хавфи, заҳарланиш, бинонинг қулаши, тез алангаланувчи ва портловчи моддалар ҳамда кучланиш остидаги электр қурилмаларнинг бор ёки йўқлиги;
- мол-мулкларни хавфсиз жойга олиб чиқиш, уларни оловдан, тутундан ва ёнфин ўчириш воситалари таъсиридан сақлаш зарурати;
- бино қисмларини очиш ва ажратиш зарурати;
- ёнфин жойига яқин бўлган сув манбалари ва улардан фойдаланиш усуллари;
- жойларда ўрнатилган ёнфин ўчириш қурилмаларининг борлиги ва уларнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш тартиби.
- Ёнфин ҳолатини аниқлаш вақтида вазиятга қараб бошқа вазифалар ҳам бажарилиши мумкин.

24. Ёнфин ҳолатини аниқлаш ёнфинни ўчириш раҳбари ёки унинг топшириғига биноан бошқа шахс томонидан ўтказилади.

25. Ёнфин ҳолатини аниқловчилар таркибига қуйидагилар киради:

- ёнфинга битта ёнфин ўчириш экипажи келган бўлса, ёнфин ўчириш экипажи командири ва алоқачи;
- ёнфинга икки ва ундан ортиқ ёнфин ўчириш экипажи келган бўлса, биринчи ёнфин ўчириш экипажи командири ва алоқачи.

26. Бир вақтнинг ўзида ҳар хил йўналишда ёнфин ҳолатини аниқлаш зарурати туғилса, ёнфин ҳолатини аниқлаш бўйича гуруҳлар тузилади.

- Ҳар бир гуруҳ камида икки кишидан иборат бўлиб, уни ёнфин ўчириш экипажи командири бошқаради.
- Агар ёнфин ҳолатини аниқлаш ҳимояловчи газниқобда ўтказилса, гуруҳ камида уч кишидан иборат бўлиши лозим.

27. Ёнфин жойида (ичида) одамларнинг борлиги ҳақида маълумот бўлса, ёнфиндан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ёнфин ҳолатини аниқлаш гуруҳларининг сони кўпайтирилади.

## 4-§. Ёнғинда одамларни қутқариш

28. Қутқарув ишлари куйидаги ҳолатлар юзага келганда ташкил қилинади ва ўтказилади, агар:

- одамларга олов, юқори ҳарорат, портлаш хавфи ёки бинонинг қулаши хавфи бўлганда, улар турган хоналар тутун ёки заҳарли газлар билан тўлган бўлса;
- одамлар ўзлари хавфли жойдан чиқолмай қолса.

29. Ёнғинда одамларни қутқариш ёнғинни бартараф этиш билан бир вақтда ўтказилади.

- Агар бир вақтнинг ўзида одамларни қутқариш ва ёнғинни бартараф этишга куч ва воситалар камлик қилса, одамларни қутқариш учун давлат ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг барча шахсий таркибидан фойдаланилади ҳамда қўшимча куч ва воситалар чақирилади.

30. Одамларни қутқариш учун:

- биноларнинг асосий кириш ва чиқиш ҳамда захира йўлларида;
- деразалар, айвончалар, ёнғин ўчириш нарвонлари, автонарвонлар, автокўтаргичлар ва бошқа қутқариш қурилмаларидан;
- ёнғин ўчирувчилар томонидан очилган тўсиқ ва девор туйнукларидан фойдаланилади.

31. Одамларни қутқариш ва хавфсиз жойга олиб чиқиш қуйидагилардан иборат:

- одамларни хавфсиз йўналиш бўйлаб ўзлари ёки ёнғин ўчирувчилар кузатувида чиқариш;
- ҳаракат қилолмайдиган одамларни олиб чиқиш;
- қутқарув йўлларининг олов ёки тутун билан тўсилиб қолиб, чиқиб кетишнинг иложи бўлмаса, одамларни нарвонлар, автонарвонлар, автокўтаргичлар ва техник қутқарув қурилмалари ёрдамида қутқариш.

32. Қутқарув ишлари ўтказилаётганда:

- хабар бериш ва бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда саросимага тушмасликнинг олдини олиш чорасини кўриш;
- қутқарув ишларига ташкилотларнинг ходимларини ва кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналарини (бундан кейинги ўринларда КЁЎД деб юритилади) жалб этиш;
- тез тиббий ёрдам чақиритиш ҳамда ёнғиндан жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш зарур.

33. Ёнғин содир бўлган бинода одамларнинг қолганлиги ҳақида маълумот бўлса, бинодаги барча ёнаётган ва тутунга тўлган хоналар синчиклаб текширилади.

34. Қутқаришга муҳтожларнинг йўқлиги аниқлангандан сўнг одамларни қидириш ишлари тўхтатилади.

## 5-§. Куч ва воситаларнинг ёйилиши

35. Куч ва воситаларнинг ёйилиши ўтказилаётганда одамларни қутқариш ва уларни хавфсиз жойга олиб чиқиш ишларига халақит бермаслиги керак.
36. Ёнғин ўчириш энгларини ёйишда ёнғин ўчоғига ўтиш учун бинонинг барча кириш эшикларидан ва ўрнатилган нарвонлардан фойдаланиш лозим.
37. Куч ва воситаларнинг ёйилиши қуйидаги босқичлардан иборат:
- ёйилишга тайёргарлик;
  - дастлабки ёйилиш;
  - мукамал ёйилиш.
38. Ёнғинга етиб келган ёнғин ўчириш экипажларининг куч ва воситаларнинг ёйилишига тайёргарлик қўриши билан ёнғин ҳолатини аниқлаш ишлари биргаликда ўтказилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:
- ёнғин ўчириш автомобилни сув манбаига ўрнатиш, сув сўриш энгларини улаб, насосга сув олиш;
  - ёнғин жойининг шароитига кўра бошқа тайёргарлик чораларини ўтказиш.
39. Ёнғин ўчириш автомобилни ёйилишга тайёрлаш (сув манбасига ўрнатмасдан) насосни ишчи ҳолатига келтириб, ёнғин ўчириш энгларни дастакка ва насосга улашдан иборат.

40. Дастлабки ёйилишда ёнғин ўчириш энгларини ўтказиш ва сув айиргични ўрнатиш, сув айиргич олдига ёнғин ўчиришга керакли бўлган энглар, дастаклар, нарвонлар ва бошқа ёнғин ўчириш техник қуроллари келтирилади.
41. Мукамал ёйилиш ёнғин ўчириш экипажининг ёнғинга етиб келиши билан шароитга қараб, дарҳол ўтказилиши мумкин ҳамда ёйилишга тайёргарлик ва дастлабки ёйилишдан кейин ўтказилади.
42. Куч ва воситаларнинг ёйилишида ёнғин ўчириш автомобиллари ва ёнғин ўчириш воситаларининг жойлашиши етиб келган куч ва воситаларнинг ёйилишига халақит бермаслиги, шунингдек ёнғин ўчириш энглари ёнғин жойига яқин бўлган жойларда ҳаракатни қийинлаштирмаслиги лозим.
43. Ёнғинни бартараф этишдаги ҳаракатларни таъминлаш учун шароитга қараб қўл нарвонларидан, автонарвонлардан, автокўтаргичлардан фойдаланилади.
  - Ёнғин ўчириш нарвонларини аланга чиқиб турган деразалар қаршисига ўрнатишга фақат сув сепиб турилган вақтдагина рухсат этилади.
44. Нарвонларни бошқа жойга кўчириш шу нарвондан кўтарилган шахсий таркибга маълум қилиниб ва уларга қайтиш ёки бошқа жойга ўтиш йўлини кўрсатилгандан сўнг бажарилади.



## 6-§. Ёнғинни ўчириш

45. Ёнғин вақтида қуйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

- одамларнинг кўплиги, ёрдамга муҳтожлиги;
- бинолар қурилишининг мураккаблиги;
- тик ва қия йўналишларда технологик қурилмалар, ёнувчи материаллар, айвонлар, туйнуклар, деразалар, бўшлиқлар ва вентеляция тизмалари орқали оловнинг тарқалиши;
- ҳароратнинг тез кўтарилиши ва иссиқ ҳаво оқимларининг очиқ жойларга ўтиши;
- модда ва материалларнинг иссиқлик таъсирида газ-буғ ҳаво аралашмасини ҳосил қилиши;
- тутун, заҳарли газларнинг ажралиши ва уларнинг тез тарқалиши;
- электр кучланиши остидаги асбобларнинг мавжудлиги;
- босим остида турган идиш ва асбоб сиғимларининг портлаши;
- бино, қурилма ва технологик ускуналарнинг бузилиши ҳамда қулаши;
- бино ичида кўп миқдорда илмий, моддий ва бошқа қимматбаҳо бойликларнинг мавжудлиги.

46. Ёнғинни қуйидаги усуллар орқали ўчириш мумкин:

- куч ва воситаларни ҳал қилувчи йўналишга киритиш;
- ёнғин ўчириш воситаларини узлуксиз таъминлаш;
- ёнаётган материаллар устига совитувчи ёнғин ўчириш воситаларини узатиш;
- ёнғин майдонида ёки унинг атрофида ёнмайдиган газ ёки буғ аралашмаларини ҳосил қилиш ва ёнғин жараёнини кимёвий тўхтатиш;
- ёнғинни ўчириш воситалари ёрдамида ёнаётган материал атрофида ёки ёнғин майдонида ва ҳаво орасида ҳимоя қатламини ҳосил қилиш.

47. Ёнғинда одамларга хавф солишини, портлаш хавфини, оловнинг тез тарқалишини ҳамда ёнғин ўчиришни таъминлайдиган ҳаракат ҳал қилувчи йўналиш ҳисобланади.

- Куч ва воситалар ҳал қилувчи йўналишга киритилгандан сўнг бошқа йўналишларга жойлаштирилади.

48. Ёнғинда ҳаракатларнинг ҳал қилувчи йўналишини таъминлаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- ёнғин инсонлар ҳаётига хавф солса ва уларни қутқаришга дастакларни бериш зарурати бўлса, куч ва воситалар қутқарув ишларини бажариш учун жойлаштирилади;
- портлаш хавфи туғилганда, ёнғин ўчириш экипажларининг ҳаракати қаерда портлаш хавфининг олдини олишни таъминласа, куч ва воситалар ўша ерга жойлаштирилади ва киритилади;

- Бинонинг бир қисми аланга билан қопланган бўлиб, олов унинг бошқа қисмларига ёки қўшни биноларга тарқалаётган бўлса, куч ва воситалар шу томонга жойлаштирилади ҳамда оловнинг тарқалиши кўп зарар келтирадиган томонга киритилади;
- якка бино аланга билан қопланиб, қўшни биноларга тарқалиш хавфи бўлмаса, асосий куч ва воситалар ёнғиннинг энг жадал суръатлар билан ёнаётган жойига киритилади;
- бино аланга билан ўралиб ёнаётган жой муҳим аҳамиятга эга бўлмаса ва яқин турган бинога ўтиш эҳтимоли бўлса, куч ва воситалар ушбу бино томонидан киритилади.

49. Ёнаётган хонада ва унинг ёнидаги хоналарда тутун, газ бўлган тақдирда ёнғин ўчириш билан биргаликда ушбу хоналардан газ ва тутунни чиқариб юбориш чоралари ҳам кўрилади. Бунда тутунларни тортиш учун махсус тутун тортувчи ва шамоллатувчи қурилмалар, вентелятор ва брезент қопчиқлардан фойдаланилади.

50. Шахсий таркиб эгаллаб турган ёнғин ўчириш участкасидан (ЁЎУ) фақат ёнғинни ўчириш раҳбари ёки ЁЎУ бошлиғини рухсати билан ЁЎУдан кетиши мумкин.

- Ёнғинни бартараф этиш учун биринчи навбатда ички ёнғин ўчириш жўмраклари, ўрнатилган ёнғин ўчириш қурилмаларидан фойдаланилади.

51. Нафас олишга яроқсиз муҳитда ёнғин ўчириш ишлари химояловчи газниқобларда ўтказилади, тутун тортгичлар ва ёритиш воситаларидан фойдаланилади ҳамда кўпик ёки сачратма сув бериш йўли билан юқори ҳароратни пасайтириш чоралари кўрилади.
52. Ер ости иншоотларида ёнғин ўчириш вақтида насос-енг тармоқларини бир маромда ишлаши учун насос босими иншоотнинг чуқурлигига мос равишда пасайтирилади.
- Захира ёнғин ўчириш энглари биринчи навбатда ҳал қилувчи йўналишда ишлаётган дастакларга тортилади.
53. Ёнғинни ўчириш вақтида қурилиш иншоотлари (устунлар, тирговучлар, тўсиқлар) ҳолати кузатилади ва улар юқори ҳарорат таъсиридан химоя қилинади.
54. Ёнаётган том ва унинг тагида шахсий таркибнинг тўпланишига йўл қўйилмайди.
55. Зарурият туғилганда, электр ва газ тармоқларини узиб қўйиш чоралари кўрилади.
56. Ёнғинни ўчириш вақтида биноларнинг бўшлиқлари, шамоллатиш, ахлат ташлаш ва бошқа тўйнуқлари текширилади.
57. Кучайган ёнғинни ўчиришга «А» дастаги орқали сув берилади, сўнгра уни лафет дастакка алмаштирилади, ёнғин бартараф этиш охирида эса янада кичикроқ дастакка алмаштирилади.

58. Бино иншооти бўшлиқларида ва шамоллатиш туйнукларидаги ёнғинларга «Б» дастаги ва кўпик дастаклари орқали сув ва кўпик берилади.
59. Биринчи етиб келган ёнғин ўчириш автомобили орқали ёнғин жойига яқин ўрнатилиб ҳал қилувчи йўналишга сув беради, кейинги келган ёнғин ўчириш автомобили эса яқиндаги сув манбаига ўрнатилиб ундан асосий енг йўллари тортилади.
- Биринчи автомобилда сув тутагач, сув берилаётган дастак сув манбаига ўрнатилган иккинчи автомобилдан тортилган асосий енг йўлидаги сув айиргичга уланади.
60. Сувни бир-бирига ошириб бериш ҳолатида, керакли ёнғин ўчириш автомобилларининг сони, асосий енг йўлларини ўтказиш усуллари аниқланади. Қуввати кучли насосга эга бўлган ёнғин ўчириш автомобиллари сув манбаига ўрнатилади ва ундан ёнғин жойига асосий енг йўли тортилади.
61. Ёнаётган хонани кўпик билан тўлдиришда ёнғинни ўчириш раҳбари қуйидагиларни аниқлайди:
- кўпик тўлдириладиган хонанинг ҳажмини;
  - кўпик оқишга халақит берувчи тўсиқли қурилмаларни;
  - керакли миқдордаги кўпик ҳосил қилувчи модда, кўпик дастаклари ва уларни ўрнатиш жойини;
  - кўпикнинг белгиланган йўналишда ҳаракатланишига шароит яратиш учун тутун тортиш мосламаларини жойлашиш жойини.

62. Ортиқча сув қўймаслик учун қўйидагилар зарур:

- кўпик, кукун, аралашмали сувлар ва жўмракли дастакларнинг ишлатилиши;
- сув беришни ўз вақтида тугатиш ёки дастакларни ташқарига олиб чиқиш.

63. Ёнғинда одамларга хавф йўқ бўлиб ҳамда ёнғин тарқалиши чекланган бўлиб, куч ва воситалар билан ёнғин бартараф қилиниши таъминланган бўлса, ёнғин қуршаб олинган ҳисобланади.

64. Ёнғин ўчирилган ва қайта ёнғин ҳосил бўлишининг олдини олиш эҳтиёт чоралари кўрилган тақдирда ёнғин бартараф қилинган ҳисобланади.

65. Куч ва воситаларнинг қисқартирилиши ёнғин бартараф қилингандан кейин ёки ёнғинда ишлар ҳажми камайгандан сўнг амалга оширилади.

66. Ёнғин хавфсизлиги қисмига қайтиб келингандан кейин қисқа вақт ичида ёнғин ўчириш техникаси ва воситаларини тайёр ҳолга келтириш чора-тадбирлари кўрилиши лозим.

## 7-§. Ёнғинда махсус ишларни бажариш

67. Ёнғинда махсус ишларга нафас олишга яроқсиз муҳитда ишлаш, тутун тортиш, биноларни бузиш, электр асбобларини узиш, ёнғин жойини ёритиш, ортиқча сув берилишидан ҳимоя қилиш ва бошқалар киради.
68. Нафас олишга яроқсиз муҳитда ишлаётганда қуйидагилар зарур:
- бир хил газниқоблардаги **3 — 5 кишидан** иборат газ ва тутундан ҳимоя қилиш хизмати гуруҳининг (ГТҲХ) тузилиши (ёнғинни ўчириш раҳбари қарори билан кечиктириб бўлмайдиган қутқарув ишларини бажаришда **2 кишидан** иборат бўлиши мумкин);
  - ГТҲХ гуруҳи бошлиғининг доимий равишда хавфсизлик пости билан алоқада бўлиши ва у орқали ёнғинни ўчириш раҳбарига, ЁЎУ бошлиғига ёки текшириб ўтказиш жойи (ТЎЖ) бошлиғига вазият ҳамда ўзининг ҳаракати ҳақида ахборот бериб туриши;
  - метролар, ер ости йўллари, катта узунликдаги ер ости иншооти ва тўққиз қаватдан юқори бўлган биноларга бир йўла иккитадан кам бўлмаган ГТҲХ гуруҳларининг юборилиши. Бунда хавфсизлик постида битта тўлиқ ГТҲХ гуруҳи нафас олишга яроқсиз шароитда ишлаётган ёнғин ўчириш экипажига фавқулодда ёрдам бериш учун қўйилади.

69. Катта, мураккаб ва узоқ давом этадиган ёнғинларда, агар бир нечта ГТХХ гуруҳлари ишлаётган бўлса, ёнғинни ўчириш раҳбари ТўЖни ташкил қилади.

70. ТўЖга раҳбар этиб тайёргарликдан ўтган тажрибали шахс ёнғинни ўчириш раҳбари томонидан тайинланади.

71. Ёнғин вақтида ГТХХ гуруҳи ишига қуйидагилар бошчилик қиладилар:

- агар битта экипаж ишлаётган бўлса, ёнғин ўчириш экипажи командири;
- агар бир вақтда бир неча ёнғин ўчириш экипажлари ишлаётган бўлса, ёнғинни ўчириш раҳбари тайинлаган бошлиқлар таркибидан бири ёки ЁЎУ бошлиқлари.

72. Биноларни очиш ва бузиш қуйидаги мақсадда амалга оширилади:

- одамларни қутқариш ва уларнинг мол-мулкларини хавфсиз жойга олиб чиқиш ҳамда ёнғин ўчоғига ёки бино ичига кириб сув бериш;
- олов тарқалишини чеклаш учун ёнғин хавфсизлиги оралиқлари ҳосил қилиш ва тутунларни чиқариб юбориш;
- биноларнинг қулаш хавфини бартараф қилиш.



73. Яширин ёнғинларни аниқлаш тутун чиқариш ва ёнғин ўчириш воситаларини қўллаш учун бинолардаги ёнғин ўчириш воситалари тайёр ҳолга келтириб қўйилгандан сўнг амалга оширилади.

- Ёнғин хавфсизлиги оралиқларини ҳосил қилиш ишлари олов оралиққа етиб келгунга қадар тугалланиши лозим.

74. Биноларни очиш ва бузиш ишлари бажарилаётганда, бино қурилмаси асосига, газ ва иссиқлик қурилмаларига ҳамда электр тармоғига зарар етказмаслик чоралари кўрилади.

75. Биноларни бузиш вақтида юқоридан пастга ташланаётган бўлақлар тушадиган жой ўраб олиниши ва бўлақларнинг тушиши назорат қилиниши керак.

76. Хонани ёритишда электр ёритгичлардан ёки алоқа ва ёритувчи автомобилдаги прожекторлардан фойдаланилади. Бунда прожекторлар хонанинг кириш эшиги яқинига ўрнатилади.

77. Ёритиш воситалари ёнғин вақтида қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда ўрнатилади:

- одамларни хавфсиз жойга олиб чиқиш йўлларининг ёритиши;
- портлаш хавфи содир бўлиши мумкин бўлган хоналарнинг ташқаридан ёритилиши, хоналарга ёритиш воситаларининг фақат ёнғин бўлаётганда олиб кирилиши;

- Қуюқ тутунли, майдони катта хоналарга кучли Қувватга эга бўлган прожекторларнинг ўрнатилиши, баъзи ҳолларда ёриткичлар хонада ишлаётганлар учун йўл кўрсатиш вазифасини бажариши;
- прожекторлар, ўтказкич қутичалари, кабелга уланиш тармоқлари ва бошқа уловчи мосламалар сув тегмайдиган ҳамда бинодан қулаётган бўлақлар тегиб кетмайдиган жойларга ўрнатилиши.

78. Ёнғин жойида кучланиш остида турган электр ўтказкичлар ва қурилмалар қуйидаги ҳолларда узиб қўйилади:

- шикастланган ва ёнғинда ишлаётганлар учун хавфли бўлса;
- сув тегиши натижасида янги ёнғин ўчоғини ҳосил қилиши мумкин бўлса;
- ёнғин ўчиришга ва биноларни очиб бузишга халақит қилса.

79. Юқори кучланиш остида бўлган электр асбоблари тегишли электр тармоқлари хизмати ходимлари томонидан узилади.

80. Кучланиши 220 Вдан ошмаган электр асбоблари ёнғинни ўчириш раҳбари, ЁЎУ бошлиғи ва ёнғин ўчириш экипажи командири раҳбарлигида ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари шахсий таркиби томонидан узиб қўйилади.

- Агар узиб қўйиш учун ўчириш қурилмаси (рубильник) бўлмаган ҳолда, электр ўтказкич симлари махсус қайчида, белгиланган қоида асосида, эҳтиёткорлик билан узиб қўйилади.

## 8-§. Ёнғинда куч ва воситаларни бошқариш

81. Ёнғинда куч ва воситаларни бошқариш ёнғинни ўчириш раҳбарининг асосий вазифаси бўлиб, вазиятни тўғри баҳолаб, ёнғинни бартараф этишдаги ҳаракатларни муваффақиятли амалга оширишдан иборатдир.
82. Ёнғинни ўчириш раҳбари ёнғинни ўчириш ҳаракатларини бажаришда иштирок этаётган ёнғиндан сақлаш хизматининг шахсий таркибига, шунингдек ёнғинни ўчиришга жалб этилган кучлар ва воситаларга яккабошчилик асосида раҳбарлик қилади.
83. Ёнғин ўчириляётганда ёнғин ўчириш раҳбарининг ҳаракатларига аралашишга ёки унинг фармойишларини бекор қилишга ҳеч ким ҳақли эмас.
84. Ёнғинни ўчириш раҳбари бўлиб қуйидагилар ҳисобланадилар:
  - ёнғинни бартараф қилишда битта ёнғин ўчириш экипажи ишлаётган бўлса, экипаж командири;
  - тегишли ҳудудда содир бўлган ёнғинни бартараф этишга бир нечта ёнғин ўчириш экипажлари жалб этилган бўлса, шу ҳудуднинг раҳбари ёки гарнизонда белгиланган тартибда кўрсатилган шахс, агарда ёнғин жойига Ёнғин ўчириш штабининг навбатчи гуруҳи етиб келса, ушбу гуруҳнинг катта раҳбари.
85. Ёнғин жойига етиб келган ёнғин ўчириш раҳбари қуйидагиларни бажаради:
  - вазиятни аниқлаш ва ёнғин ўчиришни тўғри ташкил қилинганлигини ҳамда қўшимча куч ва воситаларнинг чақирилиши лозимлигини аниқлаш;
  - ёнғин ўчириш раҳбарлигини ўз зиммасига олиш.

86. Ёнѓин жойига келган юќори турувчи рахбар ёнѓиннинг ўчирилишига жавобгарликни ўз зиммасига олиши лозим. Бунда юќори турувчи рахбар ёнѓинни ўчириш бошқарувини ўз зиммасига олганлигини эълон қилади.
87. Ёнѓинда куч ва воситаларни бошқариш учун ёнѓинни ўчириш рахбари вазиятга қараб тезкорлик штаби ва ЁЎУларни ташкил қилиши мумкин.
88. ЁЎУлар иш турлари бўйича (ўчириш, ҳимоялаш, қутқариш ва бошқалар) бинонинг қаватларида, зинапояларида, ёнѓинга қарши тўсиқ ва оралиқларда ёки ёнаётган бинонинг чегарасида ташкил қилиниши мумкин.
89. Ёнѓинда икки ва ундан ортиқ ёнѓин ўчириш экипажлари ишлаётган бўлса, ёнѓин содир бўлган туман (шаҳар) ёнѓин хавфсизлиги қисмининг кичик ёки ўрта бошлиқлари таркибидан бири таъминот бошлиғи этиб тайинланади.
90. Ёнѓинда вазият тўсатдан ўзгариб қолса ва ёнѓинни ўчириш рахбаридан буйруқ олишининг имкони бўлмаса, ёнѓин жойидаги тегишли бошлиқлар (рахбарлар) оқилона ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилишлари лозим. Ёнѓинни ўчириш рахбаридан тегишли буйруқ олмаганлик ҳаракат қилмасликка сабаб бўлмайди.

## 9-§. Тезкорлик штаби

91. Ёнғинни ўчириш вақтида тезкорлик штаби қуйидаги ҳолларда тузилади:

- катта, мураккаб ва узоқ давом этадиган (5 соатдан кўп) ёнғинларда;
- уч ва ундан ортиқ ЁЎУлар ташкил қилинганда ҳамда куч ва воситалар юқори чақирик бўйича жалб қилинганда;
- ташкилотларда ёнғинларни ўчиришда муҳандис-техник ходимлар ва ташкилот маъмурияти билан келишиш зарур бўлганда;
- вазиятга кўра ёнғинни ўчириш раҳбарининг тегишли қарори қабул қилинганда.

92. Тезкорлик штаби таркибига штаб бошлиғи, таъминот бошлиғи ва ташкилот маъмурияти ҳамда бошқа хизматлар вакиллари киради.

93. Катта, мураккаб ва узоқ давом этадиган ёнғинларда тезкорлик штаби бошлиғи ўринбосарлари тайинланиши мумкин.

94. Тезкорлик штаби қуйидагиларни ташкиллаштиради:

- келаётган ёнғин ўчириш экипажларини кутиб олиш, ЁЎУларга бўлиш ва жойлаштиришни;
- ёнғин ҳолати ва вазиятини ўзгариши ҳақида маълумот йиғиб, ёнғинни ўчириш раҳбарига ахборот беришни;
- ёнғинда захира куч ва воситаларини тузишни;
- ёнғин содир бўлиши сабаблари ва келтирилган зарар ҳақида маълумот йиғишни;
- ёнғинда алоқа ишларини ташкил қилишни ва зарурат туғилса, ёнғин содир бўлган жойни ёритишни;

- ёнғинни ўчириш раҳбари фармойишларини бажаришни;
- жалб қилинган куч ва воситаларнинг ўзаро ҳаракатларини ташкил қилиш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишни;
- ёнғинда вазият ўзгаришини узлуксиз кузатиш ва тегишли қарорлар қабул қилишни;
- МДХ билан узлуксиз алоқада бўлиб, вақти-вақти билан қабул қилинган тегишли қарорлар, қандай куч ва воситаларнинг ишлаётганлиги, ёнғиннинг тарқалиш хавфи бор ёки йўқлиги, қўшимча куч ва воситаларнинг зарурати ва ёнғиндаги вазият ҳақида ахборот бериб туришни;
- ёнғинга юқори турувчи раҳбар етиб келганда, унга вазият ҳақида, ёнғинни ўчириш учун қабул қилинган тегишли қарорлар, қандай куч ва воситаларнинг мавжудлиги, қўшимча кучлар ва воситаларнинг чақирилганлиги ҳақида ахборот беришни;
- захира куч ва воситаларни ташкил қилиш, ишлаётганларни вақтида алмаштириб туриш, уларга дам олиш, исиниш ва қуруқ кийим-бошларни алмаштириб олишга имконият яратиб беришни;
- бошлиқлар таркибидан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишига жавобгар шахсни тайинлашни, лозим бўлса, тиббий ёрдам ташкил қилишни;

- ёнғинга жалб қилинган куч ва воситалар ҳар хил йўналишда келган бўлса, таъминот бошлиғига алоқа воситасига эга бўлган ёрдамчи беришни;
- ёнғин ўчиришга жалб этилган бошқа махсус хизмат ходимлари билан ҳамкорликда ишлашни ташкил қилиш, ташкилот муҳандис-техник ходимлари билан узвий алоқада бўлиш ва ташкилот йўриқномалари кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда ёнғин ўчириш воситалари ва усуллари қўллаш ҳақида тегишли қарор қабул қилишни;
- ГТХХ гуруҳининг хавфсизлик постларини ва ТўЖларини ташкил қилишни;
- узоқ давом этувчи ёнғинларда овқатланишни, ҳаво ҳарорати паст бўлганда шахсий таркибни исинишини ва иссиқ бўлганда иссиқ уришидан сақлашни.

95. Тезкорлик штаби куч ва воситаларни бошқариш учун қулай бўлган жойга жойлаштириб, штаб столи, техник восита ва қурилмалар билан таъминланади.

96. Тезкорлик штаби жойлашган жой кундузи «ШТАБ» сўзи ёзилган байроқча билан, кечаси эса қизил фонус ёки бошқа қизил чироқли кўрсаткич билан белгиланади.

97. Ёнғинда ишлаётган ёнғинни ўчириш раҳбари, тезкорлик штаби бошлиғи, таъминот бошлиғи, ЁУУ бошлиғи ва алоқачиларнинг чап қўлида тегишли боғичлар бўлиши керак.

## 10-§. Ёнғинда алоқани ташкил қилиш

98. Алоқа ёнғинни ўчириш раҳбари, тезкорлик штаби, МДХ ва ҚДХ орасида рация ёки телефон орқали ўрнатилади.
- Зарурат туғилса, алоқа таъминот ва ЁЎУ бошлиқлари ҳамда ёнғин ўчириш автомобиллари орасида ҳам ўрнатилади. Бунинг учун рация, дала алоқа тармоғи, сўзлашув, овоз кучайтиргич қурилмаси, карнай ва бошқа техник воситалардан, агар алоқа воситаларини ишлатишни иложи бўлмаса, бошқарув белгиларидан фойдаланилади.
99. Тезкорлик штаби телефон тармоғидан фойдаланаётган вақтда ушбу тармоқдан бошқа фойдаланувчилар узиб турилади.
100. Радио алоқа воситаларидан фойдаланилаётганда, радио алоқа қоидаларига риоя қилиниши таъминланиши шарт.
- **III боб. Якуний қоидалар**
101. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
102. Ушбу Низомда назарда тутилган ёнғин ўчиришни тўғри ташкил этилиши устидан назорат Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.



# Назорат саволлари

1. Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом қачон қабул қилинган?
2. Низомда қанақа асосий тушунчалардан фойдаланилади?
3. Ёнғинларни ўчиришда қанақа кучлар ва воситалардан фойдаланилади?
4. Ёнғинни ўчиришга йўлга чиқиш қанақа тартибда амалга оширилади?
5. Ёнғин ҳолатини аниқлаш қанақа тартибда бажарилади?
6. Ёнғинда одамларни қутқариш қанақа тартибда бажарилади?
7. Куч ва воситаларнинг ёйилиши қанақа тартибда бажарилади?
8. Ёнғинни ўчириш қанақа тартибда олиб борилади?
9. Ёнғинда қанақа махсус ишлар бажарилади?
10. Ёнғинда куч ва воситаларни бошқариш қанақа тартибда олиб борилади?
11. Тезкорлик штаби қачон ва қанақа тартибда тузилади?
12. Ёнғин вақтида алоқа қандай ташкил қилинади?